

**“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки  
акцияларининг қўшимча бешинчи чиқарилуви тўғрисидаги қарори Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат  
килиш Маркази томонидан 2010 йил 29 январда Р0775-5-рақам билан рўйхатга олинди.**

**БАНК ТЎҒРИСИДАГИ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

1. Банкнинг давлат тилидаги тўлик ва кисқартирилган номи: «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки, «Ипотека-банк»  
Банк рўйхатдан ўтказилган сана ва рўйхат раҳами (банк лицензиясининг рақами):  
**“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банк Марказий банк томонидан 2005 йил 30 апрелда 74-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 27 декабрдаги 74-ракамли банк операцияларини амалга ошириш хукуқини  
берувчи лицензияга эга.**  
Унинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобвараги рақами:  
**№103010009000093700, банк коди: 00937.**  
Банк Бошқарув Раисининг фамилия, исми, шарифи: **Абдуллаев Абдурасул Нематович.**  
Банк бош бухгалтерининг фамилия, исми, шарифи: **Қосимов Тахир Равшанович.**  
2. Банкнинг ташкилий-хукукий шакли: **Очиқ акциядорлик жамияти.**  
3. Жойлашган жойи: **100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 17 уй**  
Тўлик почта манзили: **100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 17 уй**  
Банк солик органининг номи ва СТИР: **Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Давлат Солиқ инспекцияси, СТИР 202858483**  
4. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар: **2005 йил 13 июля Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси томонидан Корхоналар  
ва ташкилотлар Ягона давлат регистрига кириллганлиги тўғрисида 38550рақамли Гувохнома берилган.**  
Корхонанинг хос рақами (ОКПО) **17068947**  
ХХТУТ (ОКОНХ) **96120**  
МШП (КФС) **144**  
ТХШ (КОПФ) **1150**  
МХОБТ (СОАТО) **1726269**

**КЕЛГУСИ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ**

Келгуси акциялар чиқарилшини муомалага киритиш шартлари:

- а) чиқариландаги акциялар тури – эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;  
б) чиқариландаги акциялар сони – **15 293 261** (Ўн беш миллион иккى юз тўқсон уч минг иккى юз олтмиш бир) дона оддий акциялар;  
в) чиқариландаги акцияларнинг номинал киймати, сўм – **1000** (бир минг) сўм;  
г) чиқарилишнинг умумий хажми (номинал киймати бўйича), сўм – **15 293 261 000** (Ўн беш миллиард иккى юз тўқсон уч миллион иккى юз олтмиш  
бир минг) сўм;

д) чиқариландаги хар бир акция билан тақдим этиладиган хукуклар:

Банкнинг оддий акциялари ўз эгалари (акциядорлар)га Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг  
хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 27-28 ва бошқа моддаларда назарда тутилган хукукларни беради. Жумладан:

- банк акциядорлари реестрига кириш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварагидан кўчирма олиш;
- банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- банкнинг бошқарувида иштирок этиш;
- олган дивидендин эркин тасарруф этиш;
- банкнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида унинг уставига мувофиқ тўлик ва тўғри ахборотолиши;
- кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукукларини химоя қилиш;
- кимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари ва эмитентнинг укувсиз ёки гаразли хатти-харакатлари туфайли кўрган  
зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- кимматли қоғозлар сотиб олиш вактида зарар кўриши ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни  
сугурталаш хукукига эга;
- оддий акция эгалари амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа хукукларга ҳам эгадирлар.

е) акцияни жойлаштириш усули, шунингдек, ёник обуна бўйлан тақдирда ушбу чиқариландаги кимматли қоғозлар жойлаштирилиши амалга  
ошириладиган шахслар доираси кўрсатилади:

Ушбу чиқариландаги акциялар очик обуна усули билан жойлаштирилади.

ж) акцияни жойлаштиришнинг муддати ва тартиби:

Чиқариладиган акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини  
мувофиқлаштириша ва назорат қилиш Марказидан рўйхатдан ўтганидан сўнг бир йил муддатда жойлаштирилади.

Чиқарилган акцияларни жойлаштиришининг бошланиш санаси – давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги ахборот чоп этилган санадан кейинги  
ўн бешинчи кун деб бегланади.

Агар акцияларни жойлаштиришининг бошланиш санаси банк ҳисобкитоб операциялари ўтказиши учун дам олиш ёки байрам кунига тўғри  
келса, унда жойлаштиришининг бошланиш санаси шу кундан кейинги биринчи иш кунига кўнтирилади.

Акцияларни жойлаштириши тугатиш санаси – Мазкур чиқарилшининг сўнгти акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни  
жойлаштириши тугатиш санаси, мазкур чи қарилши қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириша ва назорат қилиш Маркази  
томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

Акцияларнинг жойлаштирилиши банк томонидан акцияларни қўшимча чиқарилуви қароридаги мавжуд ахборот кўрсатилган холда  
акцияларни чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида ўзлон қилинган санадан иккى  
хафта ўтгандан сўнг бошланади. Бунда, кўрсатиб ўтилган иккى хафталик муддат «Биржা» газетасида акцияларнинг чиқарилуви давлат  
рўйхатидан ўтказилганилиги тўғрисида ахборот нашр этилиши санасидан бошлаб хисобланади.

Мазкур чиқарилши хажми тўлик “Тошкент” РФБнинг бирламчи очик савдолари орқали бозор нарида, лекин номинал баҳосидан паст  
бўлмаган нарҳда жойлаштирилади.

Қўшимча чиқарилуви давлат рўйхатига олингандан сўнг, банк томонидан брокерлар ўртасида танлов ўтказилади. Танловда голиб чиқсан  
брокер билан шартнома тузган холда, акциялар биржанинг бирламчи очик савдолари орқали жойлаштирилади.

“Тошкент” РФБда амалга ошириладиган битимлар ушбу биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ушбу чиқарилувдаги акцияларни сотиб олиши имтиёзли хукуқ қўлланилмайди.

Акциялар банк томонидан муста қил жойлаштирилади, андеррайтерлар жалб қилинмайди.

з) ушбу чиқариландаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириши баҳосини белгилаш тартиби:

Банкнинг биржага чиқариладиган акциялари бозор баҳосида, аммо номинал ба хосидан кам бўлмаган нарҳда жойлаштирилади.

и) акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари  
кўчирилиши лозим бўлган банк ҳисобвараклари

Акциялар учун тўловлар факат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

Акциялар учун пул маблағлари “Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки Бош амалиёт бош кармасидаги, банк коди- 00937 №29896  
баланс ҳисоб рақамига тўланади.

Акциялар учун тўловлар акцияни сотиб олувчи инвестор ва у ёллаган брокер ўртасида тузиладиган шартнома шартлари асосида, “Тошкент”  
Республика фонд биржаси савдо қоидаларига ҳамда амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади.

к) акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни кабул килган банк органи ва санаси:  
«Ипотека-банк» акциядорлик тиккорат ипотека банки Кузатув Кенгашининг 2009 йил 9 декабрдаги 71-сонли баёни.  
л) банк уставида акциялар эмиссиясига ўрнатилган ҳар қандай чеклашлар, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлгандарга нисбатан чеклашлар:  
**Бир юридик ёки жисмоний шахс ё худ битим орқали ўзаро боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкни назорат қилувчи бир гурух юридик ва жисмоний шахслар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида банк акцияларининг беш фоизидан ортиги сотиб олинса, бу ҳакда Марказий банкка ҳабар берилиши, йигирма фоизидан ортиги сотиб олинса, Марказий банкдан олдиндан розилик олиниши лозим.**  
**Банк акцияларини сотиб олиш учун куйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan олдиндан ружат олишлари шарт:**

- Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;
- Эллик фоиздан ортига акцияларни (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси резидентлари-юридик шахслари.

м) инвестор томонидан сотиб олинган акциялар бўйича олинган даромадни соли кка тортиш  
**Акциялар бўйича хисобланган дивидендлар амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ солиқка тортилади.**  
н) акцияларни чиқаришдан максад:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни чиқаришдан максад банкнинг Устав капиталини ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш.

Кимматли қоғозларга тўлов пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда кимматли қоғозлар тўланиши мумкин бўлган мол-мулкнинг рўйхати кўрсатилисин.

«Ипотека-банк» АТИБ томонидан жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фа қат пул маблағлари билан амалга оширилади.

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилганда кимматли қоғозлар чиқарилишининг улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар умумий сонининг 60 фоизидан кам микдорда белгиланиши мумкин эмас).

Мазкур чиқарилишда қайд этилган акциялар ҳажмидан 60 фоизидан кам бўлган улуш жойлаштирилган тақдирда ушбу акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб тан олинади.

Кимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда банк томонидан кимматли қоғозлар тўлови сифатида олинган воситаларни кайтариши тартиби.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширади. «Ипотека-банк» АТИБ томонидан ушбу тўғрисида маълумот «Биржа» газетасида чоп этирилади. Акциялар учун тўланган маблағлар сармоядорларнинг аризаларида қўрсатилган «Ипотека-банк» АТИБда ёки бош қа банклардаги талаб қилиб олингунинг қадар хисобварагларига 7 кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади.

Облигациялар бўйича даромадлар тўлаш ва уларни сўндириш шартлари:

Ушбу эмиссия рисоласида облигациялар чиқарилиши кўзда тутилмаган.

Кимматли қоғозларга бўлган хукукларни хисобга олиш ва саклаш, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўз ичига олган тўлик фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитентнинг кимматли қоғозлар эгалари реестрини шакллантириши амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган хукукларни хисобга олиши амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга ошириши доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (раками, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал килиш муддати).

Банк томонидан чиқарилган акцияларни саклаш Ўзбекистон Республикаси марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Банк томонидан чиқарилган акциялар эгалари мулкий хукукларнинг хисоби Ўзбекистон Республикаси депозитарийлари томонидан юритилади. Банк томонидан чиқарилган давлатга тегишли бўлган акциялар бўйича эгалик хукукларни хисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Кимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси манзилгоҳи: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 ўй, телефонлари: 236-14-34, 233-13-57.

Банк томонидан чиқарилган акцияларга эгалик хукукларни хисобини юритиш «Биринчи банклараро депозитарий» Масъулияти Чекланган Жамияти томонидан амалга оширилади. Банк акциядорларининг реестрини шакллантириш марказий рўйхатдан ўтказувчи функциясини бажарувчи – Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

Реестри марказий рўйхатдан ўтказувчи: Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси, манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 ўй, телефонлари: 236-14-34, 233-13-57.

Банкнинг ваколатли депозитарийси «Биринчи банклараро депозитарий» Масъулияти Чекланган Жамияти хисобланади. Манзили: 100047, Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 15; телефонлари: 233-29-07, 233-06-52.

Кимматли қоғозлар бозори фаолиятни мувофиқлаштириши ва назорат қилиш маркази томонидан «Биринчи банклараро депозитарий» Масъулияти Чекланган Жамиятига депозитарий фаолиятини амалга ошириш ҳукукини берувчи 2003 йил 10 ноябрдаги 739 ракамли лицензияси берилган.

Хисобга олиш тартиби ва кимматли қоғозларга бўлган эгалик хукукларнинг олувчига ўтишига даҳлдор асосий маълумотлар келтирилади:

Акцияларга бўлган хукукларни хисобга олишини, амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда хизмат қўрсатувчи депозитарий амалга оширилади. Ҳужжатсиз кимматли қоғозга бўлган хукуклар олувчига унинг депо хисоб варагига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо хисоб варагидан кўчирма билан тасди қланади.

Кимматли қоғозларни жойлаштиришида иштирок этувчи ташкилотлар (андеррайтерлар) тўғрисидаги маълумотлар:

Ушбу чиқарилиш акциялари жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.

Банк акцияларни муста кил равиша брокерлар ёллаган ҳолда биржанинг бирламчи очиқ савдолари орқали жойлаштиради.

Кимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан танишиши тартиби ва жойи тўғрисидаги ахборот:

Кимматли қоғозлар кўшичча чиқарилуби тўғрисидаги қарор ва мазкур эмиссия рисоласининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳри, Мустақалик шоҳ кўчаси, 17 уйда жойлашган «Ипотека-банк» АТИБда танишиши мумкин.

Кимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот «Биржа» иқтисодий газетасида чоп этилади.

«Биржа» иқтисодий газетаси таҳририяти манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55.

Кимматли қоғозлар сотиладиган асосий жойлар.

Акцияларни сотиладиган асосий жойи «Тошкент» Республика Фонд Биржаси:

100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бухоро кўч. 10-ую.

Ушбу қимматли қоғозлар чиқарилшининг листингга киритилиши режалаштирилаётган савдолар ташкилотчиси тўғрисидаги ахборот.

Хозирги кунда «Ипотека-банк» АТИБ акциялари «Тошкент» Республика Фонд Биржасининг «А» категорияли листингига киритилган.